O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 6 APREL
SHANBA
№ 44 (26.903)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ





ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

4 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутат Т.Миродилов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ёд этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси А.Ахадов 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисида ахборот берди. Олий Мажлис қарори билан ушбу ахборот маълумот учун қабул қилинди.

Парламент «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси ва 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари лойиҳасини муҳокама қилишга киришди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари мустақил Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўлида ўтказилган референдум улкан аҳамиятга эга эканлиги ва бу умумхалқ тадбирининг натижаларини амалда жорий этиш муҳимлигини таъкидлади. Шу туфайли қонун чиқарувчиларнинг бирламчи вазифаси давлат ҳокимияти органларини янги давр талаблари ва умумқабул қилинган демократик мезонларга мувофиқ ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базасини яратишдан иборатдир. «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни ва 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари қабул қилиниши Олий Мажлис депутатларининг бу борадаги келгуси қонунчилик фаолияти учун катта аҳамиятга эга. (Маруза матбуотда эълон қилинмоқда).

Ушбу ҳужжатлар муҳокамасида Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси марказий кенгашининг биринчи котиби А.Турсунов, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Қўқон шаҳар тиббиёт билим юрти директори З.Охунова, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов қатнашди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифларини инобатга олиб, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонунни қабул қилди ва «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорни маъқуллади.

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Олий Мажлисимизнинг бугунги сессияси муҳокамасига киритилган муҳим масалалардан бири — бу жорий йилнинг 27 январида бўлиб ўтган умумхалқ референдумининг натижалари ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқдир.

Бу вазифа бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг долзарб масала бўлиб турибди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен фурсатдан фойдаланиб, ана шу вазифани амалга ошириш бўйича ўзимнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдиришни зарур, деб ҳисоблайман.

Аввало, бу борада фикр алмашиш ва хулосалар чиқаришдан олдин:

биринчидан, бўлиб ўтган умумхалқ референдуми нима учун, қандай мақсадда ўтказилди;

иккинчидан, референдум нимани кўрсатди, одамларимизнинг қандай қарашларини намоён этди;

Ва, шулардан келиб чиққан ҳолда,

учинчи масала — референдум якунлари ҳаётимизда қандай акс этади, қандай амалий натижаларга олиб келади, деган саволларга яна бир бор қайтишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Чунки бу саволларнинг моҳиятини ўзимизга яққол тасаввур қилмасдан, референдумда сайловчиларимиз билдирган фикрларни инобатга олмасдан туриб, уларнинг хоҳиш-иродаларини ҳаётга татбиқ этишдек мураккаб ва масъулиятли вазифани тўлиқ амалга оширишимиз қийин бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, референдумда умумхалқ муҳокамасига қўйилган иккита масала, яъни келгуси чақириқдан бошлаб парламентимизни икки палатали қилиб ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари мамлакатимиз тараққиёти учун муҳимлигини, уларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кўрсатадиган катта таъсирини ҳеч ким инкор этолмайди.

Лекин, шу билан бирга, ўтказилган референдумнинг моҳияти ва унинг келгуси ҳаётимизга таъсири фақат шу иккита масала билан чекланиб қолмайди, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади.

Барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай демократик давлатда ўтказиладиган мана шундай умумхалқ тадбирлари сингари мамлакатимизда бўлиб ўтган референдум сайловчиларимизнинг олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг келажагига нисбатан ўз муносабатини билдиришлари учун, таъбир жоиз бўлса, эркин минбар бўлди.

Бошқача қилиб айтганда, кенг миқёсда бошланган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва кучайтиришга доир режаларимиз бўйича, уларни қай йўсинда ва йўналишларда давом эттириш каби масалалар бўйича халқимизнинг фикрини олиш минбари бўлди.

Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, референдум натижалари, сайловчиларимизнинг ундаги фаол иштироки ва билдирган ишончи том маънода халқимизнинг ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни, янгиланиш, янги жамият қуриш жараёнларини, қолаверса, ҳозирги олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатимизни қўллаб-қувватлаётганини яққол намоён этди.

Ва шу тарика халқимиз мана шу танлаган йўлимизни давом эттиришга, уни янги, юксак босқичга кўтаришга ўз розилигини берди.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирадиган бўлсак, референдум натижаларидан иккита муҳим хулоса келиб чиқади.

Биринчидан, бизнинг бошлаган йўлимизни, яъни тоталитар тузумдан воз кечиб, юртимизда очиқ демократик давлат қуриш, ўзини оқламаган, буйруқбозлик тизимига асосланган, ўта марказлашган иқтисодиётдан бутун дунё яшаётган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек саъй-ҳаракатларимизни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Референдумдан келиб чиқадиган **иккинчи** хулоса шуки, биз ўзимиз интилган фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида **ҳеч кимдан кам бўлмайдиган марраларга етиш** учун бошлаган ислоҳотларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳозирги вақтда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, буни кенг жамоатчилигимиз, халқимиз катта умид билан биздан кутмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мухтарам дўстлар!

Энди референдум якунлари ҳаётимизда қандай акс этади, деган учинчи саволга тўхталсак. Яъни, бу якунлар қандай йўллар билан, қандай тартибда татбиқ қилинади ва қандай амалий натижаларга олиб келади?

Ўз-ўзидан аёнки, агар референдум натижалари, биринчи галда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмаса, ҳавода муаллақ ҳолда осилиб қолиши мумкин.

Юридик луғатларга киритилган «имплементация», деган бир сўз бор. Бу тушунча қонун ёки қарорни амалда жорий қилиш, деган маънони билдиради ва сиёсий-ижтимоий ҳаётда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, мамлакатимизда ўтказилган референдумнинг натижаларини амалда жорий қилиш мақсадида бугун сизларнинг муҳокамангизга «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси қўйилмоқда.

Бу лойиҳа, авваламбор, давлат бошқаруви масаласида, қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис таркибини ўзгартириш, яъни қуйи палата — Қонунчилик палатаси ва Сенат деб аталадиган юқори палатани ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш ва мана шу ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим масалаларни ўз ичига олади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб — муҳрлаб беради ва асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлади.

Шу билан бирга, биз бир нарсани англаб олишимиз керакки, ушбу Конституциявий қонун лойиҳаси, ўз моҳиятига кўра, келгусида қабул қилиниши зарур бўлган, ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунлар олдига принципиал талаблар қўяди.

Мана шу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида, авваламбор, лойиҳада кўрсатилган ўта муҳим масалаларга, яъни келгуси чақириқ Олий Мажлиснинг янги таркибига, парламент қуйи ва юқори палатасининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қонун қабул қилишдаги ўзаро алоқаси ва муносабати, шу билан бирга, палаталарнинг шакллaниш тартиби, аъзолари сони ва ваколат муддатларини белгилаш принципларига депутатлар томонидан алоҳида эътибор берилади, деб ўйлайман.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ҳамда қуйи — қонун чиқарувчи палата ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг ягона муддати белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қонун лойиҳасига кўра, бу сайловларни ушбу органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кунликнинг биринчи якшанбасида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Бундай тартиб қандай амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

Биринчидан, кўпгина демократик давлатларда ўрнатилган мана шундай тартиб, яъни сайлов ўтказиш муддатининг аниқравшан белгилаб қўйилиши бу соҳада қандайдир ўзбошимчалик бўлиши, кимдир бу муддатларни ўз манфаати учун ишлатишининг, яъни, шу каби субъектив ҳолатлар вужудга келишининг олдини олади.

Шу билан бирга, фуқаролар, халқимиз шуни ўзига яққол тасаввур қилиб оладики, сайловлар фақатгина йилнинг охирида, йил давомида мўлжалланган барча режа ва юмушлар ниҳоясига етказиб олингандан кейин, бафуржа, хотиржамлик ва осудалик вазиятида ўтказилади.

(Давоми 2-бетда)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси аъзоси, Фан бўйича қўмитанинг Коинот ва аэронавтика масалалари бўйича ички қўмитаси раиси Дана Роурбаҳер раҳбарлигидаги конгрессменлар делегациясини қабул қилди.

11 сентябрдан кейин Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ривожининг суръати ошди. Бунга Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашда АҚШни қатъият билан қўллаб-қувватлагани ҳам сабаб бўлганини таъкидламоқ керак.

АҚШ Конгрессининг мамлакатимизга ташриф буюраётган делегациялари сони кўпайгани эса Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчиллик билан ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Учрашувда конгрессменлар халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлагани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси аъзоси, Фан бўйича қўмитанинг Коинот ва аэронавтика масалалари бўйича ички қўмитаси раиси Дана Роурбаҳер раҳбарлигидаги делегация аъзолари 5 апрель куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида томонлар минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашди. Шунингдек, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АННЕМАРИ ШИММЕЛНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбек халқининг бой маданий-маънавий мероси ва тарихини ўрганиш ҳамда жаҳонда тарғиб этишдаги улкан ютуқлари, шунингдек, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун шарқшунос олима ва жамоат арбоби Аннемари Шиммель «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 27 март

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Японияннинг Хиросима шаҳридаги Тинчлик мемориал музейи томонидан ташкил этилган тинчлик мавзусидаги болалар расмлари халқаро танловида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Гулистон туманида жойлашган тасвирий ва амалий санъат-интернати ўқувчилари ҳам иштирок этишди.

Танловда лицей ўқувчилари Қодир Мирашуров ва Тоҳир Раҳмонбердиевларнинг чизган расмлари юқори баҳога сазовор бўлди. Франция, Англия, Германия, Ҳиндистон, Покистон давлатларининг ижодкор болалари иштирок этганини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг нуфузи нақадар юқори бўлганини, ғолибликни қўлга киритиш осон кечмаганини сезиш қийин эмас.

Вилоят маданият ходимларининг Гулистонда ўтказилган анжуманда мазкур танловнинг дипломи ва махсус соврини Қодир Мирашуров ҳамда Тоҳир Раҳмонбердиевларга топширилди.

■ «Туркистон-пресс»

ТЕННИС

МУВАФФАҚИЯТ ТАКРОРЛАНАДИМИ?

Дэвис кубоги мусобақаларида бу йил 142 мамлакат спортчилари иштирок этмоқда. 1900 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу баҳслар рейтингида Ўзбекистон терма жамоаси 24-поғонани банд этиб турибди. Вакилларимиз мазкур йирик турнирда саккиз йилдан буён қатнашмоқда. Шу давр ичида 25 маротаба кортга чиқиб, 18 учрашувни ўз фойдаларига ҳал этишган.

Февраль ойида Жаҳон лигасига йўлланма берувчи баҳсларда терма жамоамиз таиландлик теннисчиларга 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйган эди. Кеча ракетка усталаримиз Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳида ўз ўринларини сақлаб қолиш учун навбатдаги баҳсларга киришдилар. Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида бошланган Ўзбекистон — Жанубий Корея терма жамоалари ўртасидаги мусобақанинг биринчи кунида икки учрашув ўтказилди. Баҳслар мамлакатимизнинг иккинчи ракеткаси Вадим Куценко ҳамда Жанубий кореялик Хи Сок Чанг ўртасидаги учрашув билан бошланди. Бу ўйинда вакилимиз рақибига имкониятни бой берди — 2:6, 4:6, 6:4, 1:6.

Иккинчи урашувда мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Олег Огородов Сўенг Бог Вак устидан осонгина ғалаба қозониб, мухлисларга қувонч улашди. Олег уч сетни ҳам ўз фойдасига ҳал этди — 6:1, 6:3, 6:1.

Бугун мусобақа қатнашчилари жуфтлик баҳсларини ўтказишади. Унда Олег Огородов, Вадим Куценко жуфтлиги Жанубий кореялик Хи Сок Чанг, Дон Хьюнг Кимларга қарши кортга чиқадилар. Спортчиларимиз учун ғалаба ниҳоятда муҳим бўлган мазкур беллашувлар эртага якунланади. Эслатиб ўтамиз, вакилларимиз Жанубий кореяликлар билан Дэвис кубоги учрашувларида илгари ҳам учрашган. 1998 йили Сеулда ўтган бу баҳсда Ўзбекистон терма жамоаси 3:1 ҳисобида зафар қозонган.

■ Эркин ХОЛБОБО

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, бундай тартиб қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасида мувозанат ва уйғунликни таъминлашга, бир-бирининг фаолиятини такрорламасликка, бу органларнинг ҳар бири ўз вазифасини, ўз бурчини аниқ бажаришига шароит яратади.

Юқори палата — Сенат ҳақида гапирадиган бўлсак, бу палата аъзолари декабрь ойининг охирида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашларига бўладиган сайловлардан кейин бир ой ўтмасдан, қонунда белгиланган тартибда сайланади.

Яъни, бу масалада ҳам узил-кесил аниқлик киритилган ва у халқимиз томонидан тўғри қабул қилинади, деб ўйлайман.

Барчамизга аёнки, Қонунчилик палатаси, деб ном олган қуйи палата биз учун мутлақо янги тартибда, яъни, доимий, профессионал асосда иш олиб боради.

Албатта, шу йўсинда ишлайдиган қуйи палатани сайлаш тартиби ҳам табиий равишда ўзгаради.

Шу муносабат билан, бугун бир нарсани айтишимиз мумкин: бу палатага аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонга чиқади.

Яъни, қуйи палатага касб-кори, профессионал нуқтаи назардан мана шу ишга етарлича тайёргарлиги ва интилиши бўлган шахсларнинг ўз номзодларини қўйиб, депутат бўлиб сайланишга ҳаракат қилишлари муқаррар.

Юқори палатанинг қуйи палатадан фарқига келсак, у шундан иборат бўладики, сайловчилар томонидан барча маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар сафидан бу палатага территориал субъектлардан, Қорақалпоғистон Республикаси бўладими, вилоятлар ёки Тошкент шаҳри бўладими, бундан қатъи назар, уларнинг ҳар биридан олти нафардан депутат сайланади.

Улар қаторида Президент томонидан тайинланадиган ўн олти нафар эл-юртда обрў-эътибор қозонган, кўзга кўринган киши ҳам юқори палатанинг аъзоси бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, юқори палата аъзолари жойлардаги вазиятдан яхши хабардор бўлиб, уларни сайлаган кенгашлар билан узвий алоқа боғлаб туради, кўпроқ минтақалар манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган халқ вакиллари сифатида фаолият кўрсатади.

Юқори палатанинг шаклланиш тартибига келсак, бу палата аъзолари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар орасидан уларнинг қўшма йиғилишида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўйлайманки, сайловнинг бундай тартиби демократиянинг ҳар қандай талабларига тўла жавоб беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, Сенат қуйи палата билан биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шуғулланмаслиги лозим.

Сенат аъзолари қуйи палата томонидан тақдим этилган қонунларни маъқуллаш ёки рад қилиш орқали, аввало, мамлакатимиз, шу билан бирга, тегишли минтақа манфаатларини инобатга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги соҳасида иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, юқори палатанинг ваколатларини белгилаш чоғида бугун Президент бажараётган баъзи бир вазифалар, бошқа бир қанча муҳим масалалар қаторида мана шу палата, яъни Сенат зиммасига юклатилади.

Юқори палата — Сенатнинг қуйи палатадан яна бир фарқи шундан иборатки, агар қуйи палата доимий асосда иш олиб борадиган бўлса, юқори палата — Сенат сессияларда тўпланиб, қуйи палата томонидан тайёрланган қонунларни муҳокама қилади ва ўз қарорини чиқаради.

Шуни таъкидлашимиз керакки, бугун муҳокамага қўйилган Конституциявий қонун лойиҳасида парламентимизнинг янги таркибига ва вазифасига доир фақатгина асосий белгилар кўрсатилган.

Ўз-ўзидан барчамизга аён бўлиши зарурки, Олий Мажлис ва унинг қуйи ва юқори палаталари фаолияти билан боғлиқ бўлган кўпгина мураккаб масалалар бўйича атрофлича фикр юритиб, алоҳида қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси ҳали олдимизда турибди.

Ҳеч муболағасиз, бу қонунларни тайёрлашда, аввало, ўтган ўн йил давомида тўплаган ўз тажрибамизга таяниб, қадриятларимиз ва тафаккуримизни ҳисобга олган ҳолда, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасини ҳам ўрганиб, уларни ҳаётга татбиқ қилишимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ҳурматли депутатлар!

Ҳаммамиз шуни тушуниб олишимиз керакки, биз танлаган марраларга эришиш йўлида, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва пировардига етказиш борасида янги қонунлар қабул қилишимиз, амалдаги қонунларни эса танқидий кўз билан баҳолаб, уларга замон талаб қилаётган ўзгаришларни киритиш мақсадида ҳали жуда катта ишларни амалга оширишимиз лозим.

Мана шу вазифаларни бажаришда, янги ҳаётимизни қуришда асосий принциплар даражасига кўтарилган қоидаларга риоя қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бу принциплар нималардан иборат?

Биринчидан. Давлат бошқаруви ва жамият қурилишида демократик андозалар ва тамойилларни янада чуқурроқ татбиқ этиш, ҳокимият — яъни, қонунчилик, ижро ва суд тармоқларининг ўзаро мувозанати ва мутаносиблигини, шу билан бирга, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қайси тармоқ ўз вазифа ва бурчини бажариши учун амалий механизмларни ҳаётда ташкил қилиб бериш.

Ҳеч шубҳасиз, бу вазифалар қаторида сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг сиёсий онги ва тафаккурини, айни пайтда, сиёсий фаоллигини ошириш вазифалари энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Бу масалаларнинг моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, шуни чуқур англаб олишимиз керакки, агар қайси бир мамлакатда ҳокимият тармоқлари ўртасида Конституция ва қонунлар билан белгиланган демократик баланс, яъни мувозанат амалда таъминланмаса ва ҳар қайси ҳокимият тармоғи, бу қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юклатилган ваколат ва вазифаларни тўлиқ ва холисона бажармаса, бу ҳолат, ҳеч шубҳасиз, шу мамлакатда авторитар бошқарув усули юзага келишига ва шу руҳдаги қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Натижада давлат ва жамият бошқаруви бўладими, иқтисодиёт ёки ижтимоий-маънавий соҳа бўладими, буларнинг барчасида салбий оқибатлар, халқнинг норозилигига сабаб бўладиган нохуш вазиятлар вужудга келиши мумкин.

Биз ўтиш даврида ўз бошимиздан кечирган турли объектив сабаб ва қийинчиликлар туфайли юқорида зикр этилган муҳим вазифанинг ижросини таъмин қилишда кўпгина муаммоларга дуч келганимизни очиқ айтиш лозим.

Бунда малакали кадрлар ва мутахассисларнинг етишмаслиги, керак бўлса, тафаккуримизнинг оқсоқлиги, вазиятнинг мураккаблиги, энг муҳими, қонунчилик соҳасида етарли тажрибага эга бўлмаганимиз ишимизга ҳар қадамда тўғаноқ бўлиб турганини ҳам холисона тан олишимиз даркор.

Айни пайтда, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат бошқарувининг кенг кўламли қонунчилик асоси ва ривожланган тизими қарор топди, зарур кадрлар таркиби тайёрланди.

Фуқароларнинг ижтимоий тафаккури, сиёсий маданияти сезиларли даражада ўсди. Демоқчиманки, энди авторитар бошқарув усулларини ҳеч қандай шароит ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан оқлаб бўлмайди.

Мана шу талабларни бажарган ҳолдагина биз ҳаётимизда қонун устуворлигини амалда таъминлашга ва мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуришга эриша оламиз.

Иккинчи масала. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас, реал ҳаётда таъминлаш бизнинг қонунчилик ва амалий фаолиятимизнинг доимий эътибор марказида туриши ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бу муаммолар билан узвий боғлиқ бўлган сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш масалалари ҳам ана шу долзарб вазифалар қаторида туради.

Тан олишимиз керак — биз очиқ, ҳуқуқий-демократик давлат қурмоқчи эканмиз, бу муаммоларни ечиш йўлида ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Бу соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қабул қилинган қонунларимиз ва ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётга татбиқ қилинишини танқидий кўз билан баҳолаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тегишли халқаро ташкилот ва марказлар билан бирга қонунчилигимизни такомиллаштириш устида ишлашимизни, аввало ҳокимият ва суд органларининг бу борадаги масъулиятини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Учинчидан. Иқтисодиётимизни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда қатъий чоралар кўриш, хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва таъсирини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳаларига янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, улар учун барча зарур имкониятларни яратиш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, бу тармоқларни уларнинг қўлоёғини боғлаб турган занжир ва арқонлардан халос этиш — бу масалалар устида қонунчилик соҳаси ва амалиётимизда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш лозимлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак.

Бу масалада биз тараққий топган давлатларнинг ўта муҳим бир тажрибасига эътибор беришимиз лозим.

У ҳам бўлса, эркин иқтисод ривожланиши учун қонунлар билан кафолатланган шароит ташкил қилиб беришдир.

Бу мамлакатларда давлат ҳокимияти, унинг назорат ва текширув органлари иқтисодиёт ва хўжалик субъектларининг ишига аралашмоқчи бўлса, уларга фақат қонун устуворлиги ва унинг бажарилишини таъминлаш нуқтаи назаридангина таъсир ўтказиши мумкин.

Бу субъектларга бошқача таъсир ўтказиш қатъиян ман этилади.

Тўртинчидан. Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа — у ҳам бўлса, «Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш» деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдир.

Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қуйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади.

Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз.

Иккинчидан — жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор.

Барчамиз бир ҳақиқатни хаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Яъни, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин — барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суиистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбир, деб тан олинади.

Бундай тушунчани кенг жамоатчилик орасида татбиқ этиш ва бу йўналишда ўзимизга мос, ўзимизга хос тегишли қонун ва нормаларни ишлаб чиқиш, унинг амалда бажарилишини таъминлаш — бу масала ҳам биз қураётган демократик жамиятнинг асосий бир аломати ва қоидасига айланиши зарур.

Мана шундай эзгу ва амалий мақсадларимизга эришиш ва бу борада керакли ҳуқуқий шароит туғдириб бериш учун, ўйлайманки, «Нодавлат, жамоат тузилмалари ва уюшмаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш кафолатлари ва шартлари тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш пайти келди.

Бу ҳуқуқий ҳужжатда, хусусан, нодавлат тузилмаларни қўллаб-қувватлаш учун қонун асосида махсус молиявий жамғармалар ташкил этиш, уларни шакллантириш тартибини ҳам кўзда тутиш лозим.

Ва, айни пайтда, нодавлат, жамоат тузилмаларини яратиш жараёнини рағбатлантиришга оид бошқа иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни ҳам ишлаб чиқишимиз зарур.

Бундай тадбирларнинг асосий мақсади, аввало, жамоатчилигимиз, кенг омманинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш ва шу билан бирга уларнинг давлатимиз ва жамиятимизни бошқариш масаласига кўпроқ жалб қилишдир, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Азиз дўстлар!

Биз бугун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим воқеа бўлган референдум, яъни халқ иродасининг олий ифодаси сифатида ўтказилган умумхалқ тадбирининг натижаларини амалда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш ҳақида гапирар эканмиз, барчамиз яхши тушунамизки, бу вазифани, унинг турли оқибатларини бир қарашда, бир чиқиш ёки бир маърузада ўзимизга тўлиқ тасаввур қилишимиз, албатта, бу жуда мураккаб масала.

Ва, ўйлайманки, бундай вазифани охиригача ҳал қилиш учун ҳали кўп ишлашга, мана шу минбарда, парламентимизда бунга тегишли кўп масалаларни муҳокама этиб, аввало, ўз имкониятларимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида, шу билан бирга жаҳон тажрибаси ва тавсияларини инобатга олган ҳолда, пухта ўйланган кўпгина қонун ва қарорларни қабул қилишга тўғри келади.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Бугун олдимиздаги долзарб вазифалар, келажак режалари ҳақида фикр юритар эканмиз, бундан ўн йил муқаддам шу йўлнинг бошида туриб, халқимиз турмушини ҳавас қиладиган даражага кўтаришга азму қарор қилганимиз, эзгу орзу-мақсадларимизни мураккаб вазиятларда белгилаб олганимиз, қандай оғир ва қийин шароитда иш бошлаганимиз беихтиёр хаёлимизга келади.

Очиқ тан олишимиз керак, ўша вақтда қандайдир иккиланиб турган, керак бўлса, бу йўлга шубҳа билан қараган одамлар ҳам йўқ эмас эди. Буни ҳам тушуниш мумкин.

Чунки, биз илгари дуч келмаган ўта мураккаб вазифа ва муаммоларни ҳал этиш йўллари, бир-биридан оғир масалаларни ечиш учун тайёр рецептлар бўлмаган ўша дастлабки пайтларда бундай иккиланиш ҳолатлари юз бериши ҳам табиий эди.

Бугун бошимиздан кўп машақатли синов ва оғир кунларни кечириб, босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, биз шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, беш тамойилга асосланган тараққиёт моделимиз, шиоримизга айланиб кетган «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар инсон учун» ва «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», деган принципларимиз ҳаётимизда ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Агарки, бугун мендан, ўтган шу ўн йил давомида, Ўзбекистон ва унинг халқи ҳаётида рўй берган энг муҳим ва ҳал қилувчи ўзгариш нимадан иборат, деб сўраса, мен шундай жавоб берган бўлар эдим.

Бугунги Ўзбекистон фуқаролари, халқимиз ўн йил мобайнида жуда катта, асрларга тенг йўлни босиб ўтди ва бугун юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳеч қачон ортга қайтмайдиган жараёнга айланди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Энг муҳими, бугун халқимизнинг онгу тафаккурини ўн йил аввалги қарашлар билан солиштирганда, ўртада ер билан осмонча фарқ бор, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Узоққа бормасдан, азиз дўстлар, биродарлар, мана шу муҳташам, ҳамманинг ҳавасини тортадиган Олий Мажлис залида ўтирган депутатларга, ўзимизга боққанда ҳам мана шу ҳақиқатнинг тасдиғини кўриш мумкин.

Биз ўн йил олдин ким эдик ва бугун киммиз?

Биз бугун ўзининг кучи ва салоҳиятига ишонган, ўз меҳнати, ғайрат-шижоати билан халқаро майдонда обрў-эътибор қозонган, эртанги кунга ғурур ва ифтихор, катта ишонч билан қараётган халқнинг вакиллари, шундай мард ва танти халқнинг фарзандларимиз.

Мана шундай олижаноб туйғулар билан тарих олдида, халқимиз олдида ҳамиша катта масъулият билан яшаш ҳаммамизнинг кундалик ҳаётимиз ва онгу шууримиздан теран жой олишини истардим.

Бизнинг эндиги вазифамиз — мана шу йўлдан оғишмай, бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириб, пировард натижага етказиш ва **«Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!»** деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдан иборат.

Бугун мана шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, яна бир масалага алоҳида эътиборингизни тортмоқчиман.

Яъни, кўп-кўп хорижий давлатларнинг раҳбарлари билан, бизнинг баъзи бир танқидчиларимиз билан учрашувларда айтадиган гапимни яна бир бор такрорламоқчиман.

Биз янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги ислоҳотларимизни, ўзгаришларни кимларгадир яхши кўриниш, кимларнингдир ҳомийлигига эришиш, шу тарика кимлардандир садақа ундириш учун эмас, балки бу ишларни, аввало халқимиз манфаатларига тўла жавоб бергани учун амалга оширмоқдамиз ва келажакда ҳам бундай қараш ва интилишлардан қайтмаймиз.

Биз демократик янгиланиш, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида қанча-қанча қийинчилик ва машаққатлар эвазига қандай ютуқларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасини аввало ўзимиз учун, юртимиз учун, фарзандларимизнинг келажаги, уларнинг бахт-саодати учун, деб билмоғимиз даркор.

Барчамиз учун, бугунги ва келажак авлодлар учун мана шундай қарашлар, юрт ва халқ манфаатларига содиқ бўлиш бизнинг доимий шиоримизга айланиб қолади, иншоолоҳ.

Сўзимнинг охирида ана шу марралар, ана шу эркин ва фаровон ҳаётга етиш, қилган меҳнатларимизнинг роҳатини кўриш барча ватандошларимизга, шулар қаторида сиз муҳтарам депутатларга ҳам насиб этсин, деб тилак билдиришга ижозат бергайсизлар.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни сессияга тақдим этди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Парламент сессиясининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарикнинг Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси тўғрисидаги маърузаси билан бошланди. Сессияда Тошкент архитектура ва қурилиш институти ректори Б.Асқаров, «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, «Наманганирригациякурилиш» трести бошқарувчиси Ш.Матмусаев ушбу қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрларини билдирди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Булунғур тумани ҳокими Х.Боймуродов, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Андижон вилоятидаги «Андижон нашриёти» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Нўъмонов, Сирдарё тумани ҳокими А.Синдаров иштирок этди. Парламент қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

✧✧✧

Тошкентда 5 апрель куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловларини ўтказиш муддатлари ҳақида кўплаб саволлар келиб тушаётгани муносабати билан парламент Райси депутатлар гуруҳининг ташаббусига кўра, 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдуми қарорлари ва «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун асосида тегишли қарор қабул қилиш таклифини сессия муҳокамасига ҳавола этди. Депутатлар бу таклифни қўллаб-қувватлади ва навбатдаги сайловларни ўтказиш муддатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев сессия муҳокамасига «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қўйди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов иштирок этди.

Қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги каби суғурта тизимини кенг қўллаш зарурлигини таъкидлади. Суғурта ҳаётимизнинг меъёрига айланиши лозим, шу сабабли уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур.

Депутатлар қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул килди.

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов маъруза қилди. Мазкур масала муҳокамасида Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Андижон тумани ҳокими Х.Ҳакимов, Навоий тумани ҳокими Э. Бердиев сўзга чиқди. Парламент қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида сессияда Олий Мажлиснинг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза килиш масалалари қўмитаси котиби Э.Мирзаев ахборот берди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, Тошкент давлат аграр университети кафедра мудири А.Абдураҳимов, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош шифокори М.Мамажонов иштирок этди.

Президент Ислом Каримов ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида чиқиндиларга эгалик қилиш ҳуқуқларига оид моддага ўзгартириш киритишни таклиф этди.

Олий Мажлис давлатимиз раҳбари таклифини инобатга олиб, мазкур қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессия парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритди.

Олий Мажлис Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилди. Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг айрим қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси котибияти раҳбари Г.Латипованинг сессия давомида фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ҳақидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2001 йилдаги фаолияти ҳақида маъруза қилди. Депутатлар Карши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, «Бухоросувқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Ҳайдаровнинг чиқишларидан сўнг ушбу ҳужжатни тасдиқлади.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини якунлади.

✧✧✧

Суратларда: Олий Мажлис VIII сессияси ишидан лавҳалар.

■ «Туркистон-пресс» олган суратлар.

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ЭЛЛИККҚАЛЪА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Юртбошимиз «2002 йил жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилишда, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш ва обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим босқич бўлиб қолади» деб таъкидлаган эди. Шу кунларда мамлакатимизнинг турли жойларида бўлаётган ўзгариш ва юксалишлар бу ёруғ ният ҳақиқатга айланаётганидан далолат бериб турибди. Буни Элликқалъа тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Туманда чет эл сармояларини жалб этишга жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, ўтган йили 5112,5 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя киритилди.

Туманда фаолият кўрсатаётган «Элтекс» акциядорлик жамиятини олайлик. Ушбу акциядорлик жамияти негизида «ЮНИВЕР» Ўзбекистон — Австралия — Бангладеш ҳамда «Медикал коттон интернешнл» Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхоналари ташкил қилинди. Бунинг натижасида қўшимча 1673 янги ишчи ўрни яратилди. Шунингдек, «Бўстонвинозаводи» акциядорлик жамиятининг ишга туширилиши ҳам иқтисод барқарорлашувини таъминлади.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун фуқароларга соддалаштирилган қонун-қоидалар асосида имконият яратилмоқда. Ҳозир 408 та кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳа вакилларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 115,9 млн., шунингдек, «Орол» жамғармаси Бўстон агентлиги томонидан 34,1 млн. сўмлик кредит ажратилди. Хусусий корхоналар эса тадбиркорлик йўли билан ички маҳсулотлар кўпайишига ҳисса қўшмоқдалар, муҳими 2264 та янги иш ўрни яратилган.

Қишлоқ хўжалигини ҳам замон талабларига мос равишда ислоҳ қилиш борасида чора-тадбирлар кўрилаяпти. Бултур «Бўстон» фермер хўжаликлари уюшмаси негизида 174 та мустақил фермер хўжалиги ташкил қилинган эди. Сув танқислигига қарамай икки йилдирки қишлоқ хўжалиги ходимлари йилни муваффақиятли якунлашмоқда.

Халқаро банкларнинг пул кредитларини жалб қилиб, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, техника таъминоти, ишбилармонликка катта аҳамият берилмоқда. «Халқаро Тикланиш ва тараққиёт» банки иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳасини амалга ошириш ва тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ туманга 9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Яқинда Вашингтондан Жаҳон Банкининг лойиҳа бўлими бошлиғи Марк Ламбел, мазкур банкнинг Ўзбекистондаги бўлими етакчи мутахассиси Дилшод Хидиров ва бошқа бир қатор мутасаддилар туманда бўлиб, лойиҳани амалга ошириш зарурати, яратилаётган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, туман қиёфаси бундан ўн йил олдингисидан мутлақо фарқ қилади. Туман чирой очиб, ҳар жиҳатдан юксалиб бормоқда. «Учқудуқ — Мискин — Султонвайстоғ» темир йўли ва «Элликқалъа» вокзали, Бўстон шаҳрида 600 ўринли академик лицей биноси, молия-бизнес маркази, 3 та «Минимаркет» савдо шаҳобчалари, «Оталар чойхонаси», «Боғёб» каналида узунлиги 36 метр темир-бетон кўприк, бир қатор қишлоқ шифохоналари пунктлари, таянч мактаблари, шунингдек, 30,8 км. газ, 22,1 км. масофали тоза ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди.

«Дўстлик» фермер хўжалиги уюшмасида 644, Ғ.Одилов номли фермер хўжаликлари уюшмасида 100 ўринли мактаблар ҳашар йўли билан қурилди. Булардан ташқари, «Қишлоқ хўжалиги» коллежи, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга ихтисослашган коллеж қайта таъмирланди.

Шу кунларда академик лицей ўқувчи ва ўқитувчилари учун мўлжалланган ётоқхона, шаҳарга келадиган темир йўл тармоғи, туман нефть базаси ва ушбу база ишчи-хизматчилари учун 24 хонадонли турар жой, соғломлаштириш спорт маркази каби бир қатор қурилиш объектлари барпо этилмоқда. Айни кунларда туманимиз аҳли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини қизғин олиб бормоқда. Жорий йил туманимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли турмушини фаровонлаштириш йўлида муҳим босқич бўлиб қолади.

■ **Неъматулла ХУДОЙБЕРГЕНОВ,**
Элликқалъа тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати

ҚУТЛОВ

ШОИР ҲАҚИДА ШЕЪРИ СЎЗЛАСИН

Ватанимиз кўксидаги тумор водийнинг улкан сўз усталаридан бири, Боборахим Машраб туғилиб ўсган юрт фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдуллани тақдир шамоли 1960 йилларда Миртемир домланинг этагидан тутгани боис Ёзувчилар уюшмасига бошлаб келди. Домла бошқарган машғулотларда ўзбек шеъриятининг бўлажак йирик намояндалари — Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Сайёр, Тўлқин ва Анвар Эшоновлар ўз қаламларини чархлар эдилар.

«Шоир Ҳабиб Саъдулла шеърларидаги назокат у туғилиб ўсган Наманган нафосатидан дейиш мумкин: шоир шеърларидаги ҳарорат эса унинг халққа гоҳ матрос бўлиб, гоҳ матбуот, гоҳ ижодий ташкилотларда хизматлари жараёнида туғилган десак хато бўлмайди». Ушбу сатрлар шоирнинг «Баҳор билан суҳбат» номли иккинчи китобига таниқли шоир Ҳусниддин Шарипов томонидан ёзилган сўз бошида келтирилди.

Инсон умри сувдай ўтолса агар.
Нимаси ёмон?!
... Чашма каби тошиб, дарёдай оқиб,
Чўлга берса жон.
Коинот кўксига чечаклар тақиб,
Яратса бўстон...
Ватан қучоғини гулдай яшнатса,
Этиб лолазор.
Умрим ҳам сув каби ҳаётбахш ўтса,
Розиман минг бор!

Адабиётни қалбларни қалбларга боғловчи, туташтирувчи муқаддас кўприкка қиёсласа арзийди. У нафақат қалбларни, балки замонларни ҳам бир-бирига чамбарчас улайдиган муқаддас кўприкдир. Бу кўприкдан ҳамиша эзгулик карвонлари ўтади. Улар асрлар оша яхшилик, олижаноблик, самимият, меҳр-оқибат, ишқ ва ҳалоллик уруғларини ташийди, инсониятнинг азалий, адабий камолоти йўлида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам адабиёт одамлар хизматида, уларга ҳамкору ҳамдўст. Бироқ замон уни муттасил ўз чиғиригидан ўтказиб туради. Даврнинг ўзи қалам аҳли учун синов. Кимки ижоди билан халқининг қувончу ташвишларига бирдек шерик бўлиб яшаса, она юрти — Ватанининг ажралмас бир заррасига айланади. Ҳақ, ҳақиқат йўлидан тойиб кетмаса, шоирнинг ижоди, асарлари замона зайлидан эсон-омон ўтиб, янги авлодлар, навқирон насллар дилида яшашда давом этади. Шу жиҳатдан олганда Ҳабиб Саъдулла шеърияти давр синовларига дош берган шеъриятдир.

Ҳабиб Саъдулла мана, 40 йилдан зиёд умрини шеъриятга бахш этиб келмоқда. Бу давр ичида унинг ўнлаб тўпламлари нашр этилди. Уларда Ҳабиб Саъдулланинг энг сара шеър ва ғазаллари, қасида ва достонлари, публицистик қисса ва мақолалари ўрин олган. Яқинда нашрдан чиққан «Шукрона» китобига шоирнинг сўнгги йилларда яратган шеър ва достонлари киритилган. «Боғлар юртин боласиман» тўплами шоирнинг болалар адабиётига ҳадя этган муносиб туҳфасидир. Бу китоблар ижодкорнинг адабиёт майдонидаги чинакамига ўсиш ва улғайиш паллалари, ғайрат-шижоати, маҳорат ва жасорати кўзгусидир. «Юсуф ва Зулайҳо», «Раҳмат иғвогар» драматик асарлари ҳам Ҳабиб Саъдулла қаламига мансуб. Аксари асарлари ўзига хос жозибаси билан ажралиб туради.

Дўстларим, шоирлик даъвоси бекор,
Бекордир минбардан омад кўзлашим.
Шеър тўғрисида шоирмас зинҳор,
Шоир тўғрисида шеъри сўзласин.

Бу мисраларда шоирнинг ижодий дастури, эзгу орзуси, маслаги жо этилган. У шеърга шунчаки эрмак ёки «юксак минбарлар»га кўтарилиш воситаси, деб қарамайди.

Шоир шеърни муқаддас санайди. «Қалб оҳанглари»ни китобхонларга — халққа етказишни бир умрлик армони, деб билади. Шунинг учун у шеърига, умуман шеъриятга катта талаблар ва мезонлар билан ёндашади. Ана шундай юксак масъулият, талабчанлик ҳисси билан қўлига қалам олган шоир савияси ва диди халқига, жўмард ўқувчиларига муносиб дил армуғонини тортиқ этишни ўз муқаддас бурчи, қутлуғ вазифаси, деб билади. «Гапнинг очиғини айтсам, — деб ёзади Ҳабиб Саъдулла ҳақида севимли адибимиз Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, — ҳеч бир вилоятда Ҳабиб Саъдулладек ўз юртида шу даражада қадрланган шоирни кўрмадим».

Дарҳақиқат, устоз ҳақ гапни айтган. Аммо, ҳурматли ёзувчимизнинг ушбу «баҳо»сига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, шоир нафақат Наманган, балки республикамизнинг севимли шоир ўғлонига айланди. Ва, шу хизматлари эвазига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ шоири унвонларига сазовор бўлди. Олий Мажлис депутатлигига сайланди. Қирқ йилдан буён Наманган диёрида шоир кўксидаги булоқ гоҳ вазмин, гоҳ ҳайқириқ билан ижодга ташна қалбларнинг чанқоғини қондириб келаяпти.

■ **Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти малака ошириш факультети декани, профессор

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Тошкентнинг гўзал, муҳташам меҳмонхоналаридан бири «Интерконтиненталь» уч кун ишбилармонлар, хорижий сармоядорлар, кузатувчилар, томошабинлар билан гавжум бўлди.

Бу ерда «Озиқ овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш ва ишлаб чиқариш технологиялари» — «ИнтерФуд-Ўзбекистон-2002» иккинчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Буюк Британиянинг ITE Group PLC кўргазма компанияси ва унинг республикамиздаги ҳамкори Itesa-Osiyo компанияси томонидан ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат - холдинг» компаниялари ҳам унинг ташкилочилари бўлди.

Кўргазма мамлакатимизнинг озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда ўзаро ҳамкорлик шартномалари ҳам тузилиб тадбиркорлар Ўзбекистон, Германия, Италия, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган технологиялари билан танишдилар.

Кўргазмада халқимизнинг севимли чойига айланган, халқаро нуфузга эга «Beta Алгоритм» корхонасининг маҳсулотлари ҳам намойиш қилинди. «BETA» компанияси сифатли чойларни қадоқлайди. 48 та давлатда компаниянинг бўлимлари фаолият кўрсатади. Унинг энг сара чойлари сирасига «Чемпион», «Байжа», «Бета»лар киради. Компания маҳсулотлари бир неча марта халқаро кўргазмаларнинг олтин медалига сазовор бўлган.

Кўргазмада дунёнинг 12 мамлакатидан 30 та компания қатнашди.

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

ТЎЙЛАР ТЎЙЛАРГА УЛАНДИ

Андижон шаҳар ҳокимлиги, «Наврўз», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари шаҳар бўлимлари ҳамкорликда «Орзу» тантаналар саройида ажойиб тадбир ўтказди. «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи 104 ёшли Ўғилхон буви Насимова, 95 ёшли Тоштемир ота Олимовларнинг умр йўллари ҳақида ибратли сўзлар айтилди. Кексаларни қадрлаш тадбири Озодбек ва Санобархонларнинг никоҳ тўйига уланди. Бахтиёржон, Элмурод ва Насибиллоларнинг суннат тўйи бўлиб ўтди.

Отахон ва онахонлар, келинкуёв ва тўйболаларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ**

НУРОНИЙЛАРГА «ДАМАС» АТОМАШИНАЛАРИ

Самарқанд вилоят ҳокимлигида вилоят «Нуроний» жамғармасининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Нуроний» жамғармаси томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, ютуқ ва йўл қўйилган хато-камчиликлар атрофлича муҳокама этилиб, келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган юмушлар белгилаб олинди. Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев жамғарманинг жойлардаги барча бўлимларига «Дамас» автомашиналарининг калитларини топширди.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

«ЁРМОЗОР» АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

Фарғонада «Ёрмозор» академик лицейи очилди. 600 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий ўқув даргоҳи жаҳон андозаларига мос ҳолда барпо қилинган. Фарғона шаҳри кўркига кўрк қўшган муҳташам бу иморат қурилишига икки миллиард сўм маблағ сарфланди. 400 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари сотиб олинди. Эллик нафарга яқин юқори малакали устозлар таълим берадиган лицейда барча қулайликларга эга спорт, гимнастика заллари мавжуд.

■ **Алишер ИБОДИНОВ**

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ

СУД ҚАРОРИ ҲАМ ҚОҒОЗДА ҚОЛДИ

ЁКИ уч ХЎЖАЛИК РАҲБАРИНИНГ БИР ТАДБИРКОР АЁЛНИ ЧУВ ТУШИРГАНИ ХУСУСИДА

— Уч йилдан ошди, ҳаловатим йўқ. Еганим ҳам, ичганим ҳам татимайди. Бўзчининг мокисидек у хўжаликдан бу хўжаликка зир қатнайман. Хўжалик раҳбарлари эса бир аёл кишини шунчалик оворасарсон қилаётганидан фиғоним кўкка чиқади, — дейди Иштихон тумнидаги «Мурод — ТО.» фирмаси раиси Ойсанам Муродова. — 1998 йил 13 октябрь куни 3-сонли шартнома билан «Хўжақўрғон» ширкат хўжалигига 270 сўмдан 500 дона пахта териш учун этак келтириб бердим. Ана шундай этаклардан Шароф Рашидов номли хўжалик 500, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги икки мингта олди. Олди-берди шартномаларига раис боболар жимжимадор имзолар қўйиб, муҳр ҳам босдилар. Барча ҳужжатлар қонуний кучга эга. Лекин бу хўжаликлардан этакка тўланадиган маблағларни шу кунгача ололмаяпман. Хўжалик раҳбарлари Равшан Аҳмедов (Ш. Рашидов номли), Исмоил Омонов («Хўжақўрғон»)лар 135 минг сўмни уч йилдан буён тўлашмаяпти.

Уларга яхши гапирдим. Ялиниб-ёлвордим. Натижа бўлмади. Кейин уларни Самарқанд вилоят хўжалик судига бердим. Суд менинг фойдамга 2001 йилнинг 20 сентябрь куни ҳал қилув қарори чиқарди. Афсуски, суд қарори ҳам қоғозда қолди. Шароф Рашидов номли ва «Хўжақўрғон» ширкат хўжаликларининг раҳбарлари қонунни ҳам менсишмаяпти. Мана, суд қарори чиққанигаям анча бўлди, лекин ҳануз маблағимни ололмаяпман. Фирмамнинг солиқ тўловлари ошиб бораяпти. Нима қилишимни билмай бошим қотган.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раиси Чўли Қиличев пул ўрнига уч бош қорамол ва бир бош бузоқ берди. У қорамоллар вазнида ғирромлик қилган экан. Устига-устак қорамоллар касал чиқди, даволатиб зўрға оёққа турғаздим. Бузоқ эса ўлиб қолди.

Тадбиркор опанинг ҳасратлари бизни йўлга чорлади. Иштихон туманида бўлдик. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Нурмат Турсунов ҳузурида бу масалага ойдинлик киритмоқчи бўлдик. Ўша куни Нурмат акамиз зарур иши борлиги ва шошаётганлигини айтиб, биз билан учрашмади. Шу боис, бўлган воқеани газета орқали уларга етказаяпмиз. Зора, оларга олиб, беарни унутган раисларга инсоф кирса.

Шу пайтгача инсофга келмаган одамга бу гаплар таъсир этиши амримаҳол, албатта. Аммо масаланинг бошқа жиҳати кишини ўйга толдиради. Суд қарори ижро этилишини ким таъминлайди? Суд қарор чиқараверса-ю унинг ижроси бўлмаса, суднинг қадри, нуфузи нима бўлади?

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«УРГАНЧ-ЁҒ»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти

жамият акциядорларининг умумий йиллик ҳисобот мажлиси
2002 йилнинг 19 апрель куни соат 10.00 да
Урганч шаҳридаги ёғ экстракция заводи мажлислар залида
ўтказилишини маълум қилади.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. «Урганч-ёғ» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 2001 йилдаги хўжалик ва молиявий натижалари ҳамда 2002 йилда жамият иқтисодиётини янада ривожлантириш вазифалари тўғрисида.

2. Акциядорлик жамияти Тафтиш комиссиясининг 2001 йил молиявий тафтиши ва аудиторлик текширув натижалари тўғрисида.

3. 2001 йил якуни бўйича акциядорларга тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисида.

4. Бошқа масалалар.

«УРГАНЧ-ЁҒ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Урганч-ёғ» ОТАЖнинг 2001 йил якуни бўйича баланси *(минг сўм ҳисобида)*

1. АКТИВ **2. ПАССИВ**

Кўрсаткичлар номи	Актив сумма	Кўрсаткичлар номи	Пассив сумма
Узоқ муддатли активлар	750565	Низом жамғармаси	68141
Айланма активлар	3640705	Қўшилган сармоя	299146
Дебитор қарзлар	791689	Мақсадли тушумлар ва фондлар (заҳирадаги сармоя)	4375
Пул маблағлари	165177	Тақсимланмаган фойда	183398
		Кредиторлар	4793076
Баланс	5348136	Баланс	5348136

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

СЮН-ЦЗИ — ҚАДИМГИ ХИТОЙЛИК ФАЙЛАСУФ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 313-235 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

● Ўтмишга сажда қилма, келажак ҳақида қайғурма, ташвишли фикрларга берилма! Мавриди келганда, ҳаракат қилмоқ лозим...

● Инсон табиатан ёвуз... Инсон бойишнинг туғма истаги билан дунёга келади... Инсон ҳасадгўй бўлиб туғилади... Инсон хушмуомала ва кўнгилчан бўлганида, бу унинг табиатига зиддир.

● Баркамол инсон туғилган пайтида ўзгалардан фарқ қилмайди. У бошқалардан бисотга таяна олиши билан фарқ қилади.

● Осмонни улуғлаш ва унинг ҳақида мулоҳаза юритиш ўрнига, бисотимизни орттира бориб, Осмонни ўзимизга бўйсундирганимиз яхши эмасми?

● Агар инсон қишлоқ хўжалиги билан ҳафсала ила шуғулланса ва мол-мулкини тежаса, Осмон уни қашшоқликка гирифтор қила олмайди.

● Одатда, одамлар уларнинг эс-ҳушлари саросимага тушганида, «кўрқанга қўша кўринганда» инс-жинслар мавжудлигига ишонадилар. Айни шу чоғда одам йўқ нарсани бордай қабул қилади...

● Барча табиий жисм ва мавжудотлардан фақат инсонгина билиш қобилияти ва бурч туйғусига эга, шунинг учун ҳам у – Ёруғ оламдаги энг қадрли зотдир.

● Инсон қувватлиликда ҳўкизга тенг кела олмайди, чопқирликда отдан ортда қолади, бироқ, у ҳўкизни ҳам, отни ҳам ўзига хизмат қилдиради. Бу нега шундай? Жавоб бераман: одамларнинг ўзаро кўмаклашиб яшаш қобилиятлари туфайли, айни пайтда, ҳўкиз ва от бундай қобилиятга эга эмаслар. Нима туфайли одамлар ўзаро кўмаклашиб яшай олишлари мумкин? Жавоб бераман: мажбуриятлар тақсимланиши туфайли. Мазкур тақсимланиш нима туфайли мумкин бўлади? Жавоб бераман: бурч туйғуси туфайли.

● Нарсаларни билиш қобилияти — инсоннинг туғма хоссаси: билиниш имконияти — нарсаларнинг қонунияти.

● Нарсаларни билиш қобилиятига эга бўлиш — уларни фарқлай олиш демакдир.

● Қалб табиий туйғуларга ҳақиқатни ёлғондан фарқлашда ёрдам берганида, бу мулоҳаза деб аталади.

● Мэн-цзи айтган: «Инсон табиатан раҳмдил». Мен айтаманки, бу — нотўғри фикр.

● Қадим замонларда оқил кишилар инсоннинг табиатан ёвуз эканлигини кўриб, одамлар ортидан кузатиб юриш, маросимлар ҳамда бурч асосларини тушунтириш, одамларни тарбиялаш учун ҳукмдор ҳокимиятини яратганлар.

● Агар тақсимот баробар бўлса, унда ҳаммага етмайди; агар ҳокимият баравараштирилса, муштараклик мумкин бўлмай қолади; агар барча тенг бўлса, ҳеч кимни ишлашга мажбур этолмайсан. Бамисоли осмон ва ернинг мавжудлигидай, тепадагилар билан пастдагилар ўртасида ҳам фарқ бор.

● Олим ва ундан юқоридаги одамлар мавқеини маросимлар ҳамда мусиқа ёрдамида тартибга солиш лозим; агарда оддий кишилар, халқ тўғрисида гапириладиган бўлса, уларни қонунлар ёрдамида бошқармоқ керак.

● Ван-аждодлар билганларки, агар одамлар устидан турганлар, уларни бошқараётганлар келишган ва чиройли кийинган бўлмасалар, улар халқни бирлаштира олмайдилар...

● Халққа наф кўриш имкониятини бутунлай бермаслик ва ундан фойдани тортиб олгандан кўра, аввал халққа наф кўриш имкониятини бермоқ ва ундан кейин фойданинг бир қисмини қайтариб олган афзал.

● Сўрайдилар: давлатни бошқаришни қандай амалга оширмоқ лозим? Жавоб бераман: доно ва қобилиятли кишиларни, уларнинг мавқеи ва келиб чиқишидан қатъи назар, лавозимларга кўтармоқ керак; ялқов ва ноқобил кишиларни зудлик билан лавозимлардан четлаштирмоқ зарур.

● Агар тўғри йўл танланадиган бўлса, халқни ўз интилишларида муштарак бўлишга мажбур этиш осон, аммо, бундай заруратни у билан биргаликда аниқлаш мумкин эмас.

● Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлайдилар, улғайганларида — уларда хилма-хил одатлар ҳосил бўлади. Бу — тарбиянинг натижаси.

● Агар ортиқча шафқатсизлик қилсанг, муваффақиятсизликка учрайсан; агар ортиқча юмшоқлик қилсанг, ўзинг кишанбанд бўласан.

● Барча нарсалар ўзлари кабиларга интиладилар.

● Ким ишга бутунлай берилмаса, у ёрқин муваффақиятларга эришмайди.

● Бутун ҳаёт давомида, сўнгги нафасгача ўқимоқ керак. Ким ўқишни ташласа, у — ваҳшийдир.

● Баҳслашишни яхши кўрадиган киши билан тортишмаслик керак.

● Ривоят қилинади: «Ҳукмдорни қайиқ билан муқояса қилиш мумкин, халқни — сув билан: сув қайиқни ўз устида элтиши мумкин, уни ағдариб ташлаши ҳам мумкин».

● Иш билан шуғулланиш, бу — одамлар ёқтирмайдиган нарса; мавқе ва ҳокимият, бу — улар яхши кўрадиган нарсалар.

● Текшириб бўлмайдиган сўзларга, аввал бўлмаган ҳаракатларга, илгари эшитилмаган фикрларга — буларнинг барчасига комил инсон эҳтиёткорлик билан қарайди.

● Одамлар айни бир хил нарсаларни яхши ва ёмон кўрадилар, бироқ, хоҳловчилар кўпу нарсалар эса кам.

● Шундай ҳоллар бўладики, бошқариш усуллари ажойиб, мамлакатда эса нотинчлик; аммо, қадимдан то бизнинг кунларгача комил ҳукмдор даврида бундай бўлганлиги эшитилмаган.

● Қай йўсинда ҳукмдор қудратга, юрт хотиржамлиги ва шавкатига ҳамда заифлик, хавф-хатарлар ва шармандаликни четлаб ўтишга осон эришсин? Жавоб бераман: ўзига муносиб бош вазир (сян)ни танлашдан бошқа осон йўл йўқ!

● Таълим амалий ҳаракатларда ўз поёнига етади.

● Хатоларимни тўғри кўрсатган киши — менинг устозим; бехато ҳаракатларимни тўғри қайд этган киши — менинг дўстим; менга хушомад қилувчи киши — менинг душманим.

● Билимларга тезда эга бўлишнинг доно устозга самимий муҳаббатли бўлишдан ўзга йўли йўқ.

КАРНЕАД — ҚАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 212-129 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Ҳеч нарсани билиб бўлмайди.

● Шоҳларнинг фарзандлари от минишнигина чинакамига ўрганадилар, зеро, ҳар қандай бошқа машқларда, уларнинг биринчи бўлишлари учун, ҳамма улардан паст келади. Сарой хушомадгўйи бўлмаган от эса шоҳнинг ўғлини ўз устидан, бамисоли қандайдир бир ҳаммолнинг ўғлини каби, жўнгина улоқтириб ташлаши мумкин.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 67-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда тўғри келиши текширилади. 6 турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
31
86
82
67
17
70
Сони: 3
Сумма: 2666666
Чипталар рақами
40107929.1
70213605.2
90516855.2

2 ТУР
15
71
89
9
72
84
22
12

44
6
40
34
88
32
38
73
Сони: 1
«MATIZ» автомобили
Чипта рақами
30444879.2

3 ТУР
65
43
36
58
76
35
33
78

51
42
49
53
26
28
Сони: 1
«MATIZ» автомобили
Чипта рақами
60143846.2

4 ТУР
4
7
74
47
18
11
24
50
85
8

45
3
39
55
80
68
64
61
57
79
48
37
90
5
Сони: 1
«MATIZ» автомобили
Чипта рақами
30251927.1

5 ТУР
27
Сони: 1
«MATIZ» автомобили
Чипта рақами
80054437.3

6 ТУР
20
Сони: 1
«MATIZ» автомобили
Чипта рақами
40682437.1

7 ТУР
1
Сони: 3
Сумма: 2666666
Чипталар рақами
10071438.2
50473557.3
80243665.2

8 ТУР
62
Сони: 3
Сумма: 2000

9 ТУР
69
Сони: 3
Сумма: 1700

10 ТУР
81
Сони: 6
Сумма: 1500

11 ТУР
63
Сони: 6
Сумма: 1400

12 ТУР
25
Сони: 12
Сумма: 1300

13 ТУР
54
Сони: 15
Сумма: 1200

14 ТУР
46
Сони: 25
Сумма: 1100

15 ТУР
10
Сони: 69
Сумма: 1000

16 ТУР
77
Сони: 95
Сумма: 900

17 ТУР
87
Сони: 122
Сумма: 800

18 ТУР
29
Сони: 211
Сумма: 700

19 ТУР
83
Сони: 270
Сумма: 600

20 ТУР
60
Сони: 509
Сумма: 500

21 ТУР
59
Сони: 860
Сумма: 400

22 ТУР
56
Сони: 1248
Сумма: 300

23 ТУР
19
Сони: 3033
Сумма: 200

24 ТУР
75
Сони: 3287
Сумма: 200

25 ТУР
13
Сони: 7000
Сумма: 200

26 ТУР
23
Сони: 9883
Сумма: 200

27 ТУР
41
Сони: 13556
Сумма: 200

28 ТУР
30
Сони: 20432
Сумма: 200

Қўшимча тур
Сони: 771
Сумма: 600

Халтадан чиқмаган шарлар:
2, 14, 16, 21, 52, 66

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 18 апрелдаги 69-тиражида ўйналадиган ютуқлари:

1 тур - MATIZ автомобили
2 тур - MATIZ автомобили
3 тур - MATIZ автомобили
4 тур - MATIZ автомобили
5 тур - MATIZ автомобили
6 тур - MATIZ автомобили
7 тур - MATIZ автомобили
8 тур - MATIZ автомобили

"ЯХШИ НИЯТ" телелотересини газета киоскларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да УзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Баҳоси атиги 300 сўм

Ва қўшимча пул ютуқлари

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00-дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси 8 уй.
Мўлжал: "Украинка" дўкони.
Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари, ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 11 апрелдаги 68-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – «Нексия» автомобили,
2 ТУР – «Нексия» автомобили,
3 ТУР – «Нексия» автомобили,
4 ТУР – «Нексия» автомобили,
5 ТУР – «Нексия» автомобили,
6 ТУР – «Нексия» автомобили.
7 ТУР – «Нексия» автомобили.
8 ТУР – «Нексия» автомобили.
Қолган турларда пул ютуқлари.

Чипта баҳоси — 300 сўм

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

Пул ютуқлари «Ўзуйжойжамғармабанк» филиалларида, Миробод тумани Халқ банки бўлими омонат кассалари ва «Лаура» ХФ ҳамда чипта тарқатувчилар томонидан ҳар куни якшанбадан ташқари тираж ўйналгандан кейин 10 кундан сўнг берилади.

ФУТБОЛ

ИШОНЧ ОҚЛАНМАДИ

Футбол бўйича Қаршининг «Насаф» жамоаси Осиё чемпионлари кубогининг Техронда ўтган ярим финал учрашувида Жанубий Кореянинг «Сувон» клубидан 0:3 ҳисобида мағлубиятга учраганлиги ҳақида хабар қилгандик. Кеча вакилларимиз ўтган боскичда «Анянг LG»(Жанубий Корея) клубига ютқазган Эроннинг «Истиқлол» жамоаси билан куч синашди.

Ана шундай нуфузли мусобақада «Насаф»дан олдин 1995 йилда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси муваффақиятли тўп суриб, учинчи ўрин соҳиби бўлганди. Қаршилик футболчилар Осиё чемпионлари кубоги учрашувларининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритгач, кўпчилик уларнинг камида фарғоналиклар эришган натижани такрорлашларига умид қилганди. Афсуски, вакилларимиз ишончни оқлай олишмади.

Шиддатли кечган мазкур ўйинда мезбонлар сўнгги имкониятни қўлдан чиқаришмади. Улар учрашувнинг икки бўлимида ҳам тўла устунликка эришиб, «Насаф»ни 5:2 ҳисобида доғда қолдиришди. Ҳамюртларимиздан тўпларни Ойбек Усмонхўжаев ҳамда Зафар Холмуродов киритдилар.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РКМБнинг марказий аппаратида Биржа савдолари ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Биржа савдоларига биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объект ҳам қўйилади:

Наманган шаҳри, Оромгоҳ кўчаси, 27-уйда жойлашган «Мехмаш» очиқ акциядорлик жамияти корхонасининг мулкий мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 734 390 АКШ доллари.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Ушбу объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, барча юридик ва жисмоний шахслардан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

(«Мулкдор» газетасининг 2002 йил 5 апрелдаги № 14-15 сонлари, 8-саҳифасида юқоридаги объект бошланғич баҳоси техник сабабларга кўра хато кўрсатилган).

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3- қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17 www. uzrkmb. com

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — битта автомобиль пулига ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- **ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;**
- **автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;**
- **ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;**
- **ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.**

ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 20.30

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA